

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил май ойининг 06 куни жиноят ишлари бўйича Гурлан туман суди 9-сонли болалар ва мусиқа мактаби биносида очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ж.Ахмедов, судья ёрдамчиси М.Мадаминованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Гурлан туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ш.Рахимова, жабрланувчи У.Ражабов, судланувчи Қ.Йўлдошеванинг иштирокида, судланувчи Йўлдошева Қундуз Умирбек қизига нисбатан бўлган 1-2206-2501/44-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Йўлдошева Қундуз Умирбек қизи (Yo'ldosheva Qunduz Umirbek qizi) 1998 йил 14 ноябрь куни Хоразм вилояти, Шовот туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ёлланма ишчи, оилали, 2 нафар фарзанди бор, судланмаган, Шовот тумани, Боғбон маҳалласи, Боғзор кўчаси, 93-уйда рўйхатда туриб, Шовот тумани, Боғбон маҳалласи, Ватан кўчаси, 3-уйда яшайди, унга нисбатан 2025 йил 10 февраль куни “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 18 февраль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми “и” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини эшитиб, шунингдек, ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Йўлдошева Қундуз Умирбек қизи 2024 йил 30 ноябрь куни ўзи билан бир рўзғор асосида яшаб келаётган турмуш ўртоғи 1995 йил 19 октябрь куни туғилган Ражабов Умидбек Бахромович билан яшаш уйида ўзаро жанжаллашиб, ушбу жанжал натижасида У.Ражабовни чап қўл тирсагига совуқ қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган гўшт майдалашда ишлатиладиган болта билан уриб, У.Ражабовга оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг узок, яъни йигирма бир кундан ортиқ, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келадиган “ўртача оғир” шикаст етказиб, оилавий зўравонлик қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 05 декабрдаги 430-сонли хулосасида, У.Ражабовнинг “чап тирсак бўғими орқа юзасида кесилган



жароҳат бўғиғм капсуласини шикастланиши билан” аниқланганлиги, жароҳат кесувчи жижсмни кесувчи таъсир механизми натижасида келиб чиққанлиги ушбу жароҳат ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлар тоифасига киришлиги, жароҳатларнинг келиб чиқиш муддати тиббий ҳужжатларда кўрсатилган кунларга тўғри келишлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Йўлдошева Қундуз Умирбек қизи, ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2024 йил 30 ноябрь куни кечки пайт турмуш ўртоғи Ражабов Умидбек билан ўзаро келиша олмасдан у билан жанжаллашиб қолганлигини, ушбу жанжал пайтида турмуш ўртоғи уни урмоқчи бўлиб келаётган вақтда, у уйнинг ошхона қисмида турган гўшт майдалаш учун мўлжалланган болта билан турмуш ўртоғининг чап қўлига уриб юборганлигини, шундан сўнг унинг қўли кесилиб қон чиқа бошлаганлигини, буни кўриб ўзи ҳам қўрқиб кетганлигини, шундан сўнг турмуш ўртоғи ушбу ҳолатни отасига айтиб уларни уйга чақиртирганлигини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг уйига қайин укаси ва бошқалар келиб, турмуш ўртоғини туман шифохонасига олиб кетишганлигини, шундан сўнг уйига ИИБ ходимлари келиб уйни кўздан кечиришганликларини, ушбу жанжал пайтида ўзига ҳеч қандай тан жароҳати етмаганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига нисбатан қонуний енгиллик қилиб беришни, ҳозирда фарзандлари ва турмуш ўртоғи билан биргаликда яшаб келаётганликларини, ўзаро ярашиб олганликларини, турмуш ўртоғининг ҳам унга нисбатан даъво жанжали йўқлигини, шу сабабли ўзига нисбатан қонуний енгиллик қилишни сўради.

Жабрланувчи Ражабов Умидбек Бахромович суд мажлисида, 2019 йилда Йўлдошева Қундуз Умирбек қизи билан турмуш қуриб яшаб келаётганлигини, у билан турмуши давомида икки нафар фарзандлари борлигини, иккаласи 2019 йилдан 2024 йилга қадар ота-онасининг уйида яшаб келганлигини, 2024 йилнинг бошларида улар алоҳида бошқа турар жой биносига кўчиб ўтганликларини, шунингдек у ҳозирги кунда қурилиш ишлари билан шуғулланиб, оиласини боқиб келаётганлигини, 2024 йилнинг ноябрь ойида Урганч шаҳрида жойлашган цехлардан бирида юк ташувчи сифатида ишлаб келаётганлигини, 2024 йил 30 ноябрь куни у ишлаш мақсадида Урганч шаҳрига кетганлигини, Урганч шаҳрида юк тушириш ишлари билан шуғулланиб бўлганидан сўнг соат 14:00 ларда ўз яшаш хонадонига келганини, уйига келган пайтида уйнинг ташқи эшиги ёпиқ турганлигини, шу пайт у эшикни таққилатмасдан дераза олдида уйда кимдир биров бор бўлса керак деб ўйлаб кутиб турганини, шу пайтда турмуш ўртоғи Қундуз уй ичкарасида ким биландир телефон орқали гаплашиб ўтирганлигини, уни ким билан нима ҳақида гаплашаётганлигини билиш мақсадида шу ерда унинг гапларини эшитиб турганини, турмуш ўртоғи Қундуз телефон орқали ким биландир гаплашиб “Дамас” русумли автомашинага ўтириб Урганч шаҳрига боришини айтиб турганлигини, шу пайт қўшниси уни дераза олдида турганлигини кўриб ундан “белкуракни олмадингми” деб сўраганини, унга белкуракни олмаганлигини айтган пайтида ўзини овози турмуш ўртоғи Қундузга



эшитилиб, телефонни қўйиб уйнинг ташқи эшигини очганлигини, шундан сўнг ўзи ичкарига кириб ундан ким билан гаплашиб ўтирганлигини, телефонини бериб туришини айтган пайтида, қаршилик қилиб телефонини бермасдан, ким билан гаплашиб ўтирганлигини ҳам айтмаганлигини, шундан сўнг у маҳалла профилактика инспекторига кўнғироқ қилиб, турмуш ўртоғим ким биландир гаплашиб турганлигини эшитганлигини, телефонини ҳам унга бермасдан қаршилик қилиб турганлигини айтганини, шундан сўнг профилактика инспектори Қундузни ўзининг ёнига чақириб олганини, Қундуз уйдан чиқиб кетганидан сўнг профилактика инспекторига кўнғироқ қилиб, Қундуз унинг ёнига борган бормаганлигини сўраган пайтида профилактика инспектори ёнига келганлигини айтганини, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг фарзандлари оч қолиб йиғлаб бошлагач яна профилактика инспекторига кўнғироқ қилиб Қундузни сўраганини, у “Қундуз аллақачон уйинга кетди” деб жавоб берганини, шундан сўнг Қундузнинг ўзига кўнғироқ қилиб қаерда эканлигини сўраган пайтида, бир жойда эканлигини, автомашинада эканлигини айтиб телефонни қўйиб қўйганини, шундан сўнг орадан бироз вақт ўтганидан сўнг Қундуз келавермагач унга яна кўнғироқ қилганини, шу вақт у телефонни кўтармаганини, шундан сўнг уйнинг ташқи эшигини кулфлаб ўтирган пайтида соат 19:30 ларда Қундуз кириш эшикни таққилатганлигини, эшикни очиб ундан қаерда юрганлигини сўраган пайтида жавоб бермасдан уй ичкарисидида осилиб турган болта ва пичоққа қараб югуриб, уларни қўлига олиб “нима ишинг бор сени” деб жавоб қайтарганини, шу пайт унинг ёнига яқинлашган пайтида у чап қўл тирсак соҳасига қўлидаги гўшт майдалаш учун мўлжалланган кичкина болта билан бир маротаба урганини, шу пайт у қўлида ҳеч қандай оғриқ хис қилмаганлигини, шундан сўнг Қундузнинг қўлидан болтани олиб қўйганини, чап томон тирсагини ушлаб кўрган пайтида ундан қон оқиб турганлигини билиб, ичкарига кириб кетганини, ичкарига кириб эгнидаги кийимларини ечиб турган пайтида Қундуз ҳам менга ёрдам бериш учун кириб келганини, унга ёнига яқинлашмаслигини айтиб шу ердаги матони олиб тирсагига босиб ўтирганини, кейин бу ҳақда отаси Баҳромга айтганини, отаси шу пайт укаси Бобурни унинг уйига юборганлигини, сўнг уни автомашинага миндириб туман шифохонасига олиб кетганини, турмуш ўртоғи билан ярашиб олганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини, ишни тугатиб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Бобожонов Ғайрат Сотимбоевич суд мажлисида, 2024 йил 30 ноябрь куни соат 19:30 ларда ўз хизмат вазифасини бажариб юрган пайтида ИИБга келиб тушган оилавий жанжал ҳақидаги хабарга асосан туман тиббиёт бирлашмасига етиб борганлигини, у ерда ўзи хизмат олиб бораётган маҳаллада яшовчи Ражабов Умиджон исмли фуқаро тан жароҳати олиб мурожаат қилганлигини билганини, шу вақтда фуқаро У.Ражабовнинг чап қўл тирсак соҳаси кесилганлигини ва шифокорлар томонидан тиббий ёрдам кўрсатилганлигини билганини, шундан сўнг У.Ражабовдан нима бўлганлигини сўраган пайтда, турмуш ўртоғи Қ.Йўлдошева билан жанжаллашганлигини, жанжал пайтида Қ.Йўлдошева гўшт майдалаш учун мўлжалланган болта



билан қўлига тан жароҳати етказганлигини айтганини, шундан сўнг у У.Ражабовни ҳамда унинг ёнида келган иккита болани олиб, улар яшаб келаётган Шовот тумани, Боғбон маҳалласи, Ватан кўчасида жойлашган яшаш уйига бориб ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириб, ушбу ҳолат бўйича фуқаролардан батафсил равишда тушунтириш хатлари олганини, ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида унинг ошхона қисмидан бир дона қора дастали гўшт майдалаш учун мўлжалланган болтани тегишли тартибда расмийлаштириб олганини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи Йўлдошева Қундуз Умирбек қизининг айби ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, жиноят ишида мавжуд бўлган ҳужжатлар туман ИИБ бошлиғи номига ёзилган билдиргилар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова фотосуратлар, терговга қадар текширув даврида олинган тушунтириш хатлари, суд-тиббий экспертизасининг 05.12.2024 йилдаги 430-сонли хулосаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси, ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи Йўлдошева Қундуз Умирбек қизининг оилавий зўравонлик, бир рўзғор асосида эр-хотин бўлиб яшаётган турмуш ўртоғини совуқ қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашё билан қасддан уриб, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми “и” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Йўлдошева Қундуз Умирбек қизининг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

5-бандида судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун



конунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги хақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Йўлдошева Қундуз Умирбек қизига нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, оилали бўлиб, икки нафар фарзанди борлигини, судланмаганлигини, моддий аҳволи ва имкониятини, жабрланувчи билан ярашганлигини, жабрланувчининг унга даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек жиноят содир қилгандан кейинги ижобий хулқ-атворини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг хусусияти, судланувчининг шахси, содир этилган жиноятдаги роли, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳамда ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олишни, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан ЖКнинг айбланаётган моддаси 126¹-моддаси 5-қисми санкциясида назарда тутилганидан ҳам камроқ мудатга озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

Қ.Йўлдошевага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни;

жабрланувчи У.Ражабовнинг судланувчи Қ.Йўлдошевага нисбатан даъвоси йўқлигини ва у билан ярашганлигини инобатга олишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган, “Enter” ёзувли гўшт майдалашда фойланиладиган битта болтани ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни белгилашни;

жиноят иши юзасидан манфаатдор тарафларга жиноят оқибатида етказилган бошқа мулкӣ ва маънавий зарар масаласи бўйича фуқаролик иш юритуви тартибида даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Йўлдошева Қундуз Умирбек қизи (Yo'ldosheva Qunduz Umirbek qizi) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 126¹-моддаси 5-қисми “и” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Қ.Йўлдошевага Ўзбекистон Республикаси ЖК 126¹-моддаси 5-қисми “и” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, яшаш жойи Шовот тумани, Боғбон маҳалласи, Ватан кўчаси, 3-уйдан ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишини чеклаган ҳолда 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.



Қ.Йўлдошевага озодликни чеклаш жазосини ўташ даврида қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклатилсин:

–назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

–Хоразм вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Жазони ижро этиш Шовот туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Жазони ижро этиш муддати, маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Қ.Йўлдошевага озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмида назарда тутилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Қ.Йўлдошеваганисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жиноий қилмиш натижасида жабрланувчи У.Ражабовга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги ва унинг судланувчига даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

ашёвий далил деб эътироф этилган, “Enter” ёзувли гўшт майдалашда фойланиладиган битта болта ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Жиноят иши юзасидан манфаатдор тарафларга жиноят оқибатида етказилган бошқа мулкӣ ва маънавий зарар масаласи бўйича фуқаролик иш юритуви тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида Хоразм вилоят судига шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Ахмедов

